

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ФАРҶОНА ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ

**FarDU.
ILMIY
XABARLAR-**

1995 йилдан нашр этилади
Йилда 6 марта чиқади

— 2-2021 —

**НАУЧНЫЙ
ВЕСТНИК.
ФерГУ**

Издаётся с 1995 года
Выходит 6 раз в год

Муассис: Фарғона давлат университети.
«FarDU. ILMİY XABARLAR – НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК. ФерГУ» журналі бир йилда олти марта чоп этилади.

Журнал филология, кимё ҳамда тарих фанлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Олий аттестация комиссиясининг докторлик диссертациялари асосий илмий натижаларини чоп этиш тавсия этилган илмий нашрлар рўйхатига киритилган.

Журналдан мақола кўчириб босилганда, манба кўрсатилиши шарт.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлиги томонидан 2020 йил 2 сентябрда 1109 рақами билан рўйхатга олинган.

Муқова дизайни ва оригинал макет ФарДУ таҳририят-нашриёт бўлимида тайёрланди.

Таҳририят ҳайъати

Бош муҳаррир
Масъул муҳаррир

МАКСУДОВ Р.Х.
ЎРИНОВ А.А.

ФАРМОҢОВ Ш. (Ўзбекистон)
БЕЗГУЛОВА О.С. (Россия)
РАШИДОВА С. (Ўзбекистон)
ВАЛИ САВАШ ЙЕЛЕК. (Туркия)
ЗАЙНОБИДДИНОВ С. (Ўзбекистон)

JEHAN SHANZADAN NAYYAR. (Япония)
LEEDONG WOOK. (Жанубий Корея)
АЪЗАМОВ А. (Ўзбекистон)
КЛАУС ХАЙНСГЕН. (Германия)
БАХОДИРХОҢОВ К. (Ўзбекистон)

ҒУЛОМОВ С.С. (Ўзбекистон)
БЕРДЫШЕВ А.С. (Қозоғистон)
КАРИМОВ Н.Ф. (Ўзбекистон)
ЧЕСТМИР ШТУКА. (Словакия)
ТОЖИБОВ К. (Ўзбекистон)

Таҳририят кенгаши

ҚОРАБОВ М. (Ўзбекистон)
ОТАЖОНОВ С. (Ўзбекистон)
ЎРИНОВ А.Қ. (Ўзбекистон)
РАСУЛОВ Р. (Ўзбекистон)
ОНАРҚУЛОВ К. (Ўзбекистон)
ГАЗИЕВ Қ. (Ўзбекистон)
ЮЛДАШЕВ Г. (Ўзбекистон)
ХОМИДОВ Ғ. (Ўзбекистон)
АСҚАРОВ И. (Ўзбекистон)
ИБРАГИМОВ А. (Ўзбекистон)
ИСАҒАЛИЕВ М. (Ўзбекистон)
ҚЎЗИЕВ Р. (Ўзбекистон)
ХИКМАТОВ Ф. (Ўзбекистон)
АХМАДАЛИЕВ Ю. (Ўзбекистон)
СОЛИЖОНОВ Й. (Ўзбекистон)
МАМАЖОНОВ А. (Ўзбекистон)

ИСОҚОВ Э. (Ўзбекистон)
ИСКАҢДАРОВА Ш. (Ўзбекистон)
МЎМИНОВ С. (Ўзбекистон)
ЖЎРАЕВ Х. (Ўзбекистон)
КАСИМОВ А. (Ўзбекистон)
САБИРДИНОВ А. (Ўзбекистон)
ХОШИМОВА Н. (Ўзбекистон)
ҒОҒУРОВ А. (Ўзбекистон)
АДҲАМОВ М. (Ўзбекистон)
ХОНКЕЛДИЕВ Ш. (Ўзбекистон)
ЭГАМБЕРДИЕВА Т. (Ўзбекистон)
ИСОМИДДИНОВ М. (Ўзбекистон)
УСМОҢОВ Б. (Ўзбекистон)
АШИРОВ А. (Ўзбекистон)
МАМАТОВ М. (Ўзбекистон)
ХАКИМОВ Н. (Ўзбекистон)
БАРАТОВ М. (Ўзбекистон)

Муҳаррир: Ташматова Т.
Жўрабоева Г.

Мусахҳиҳлар: Шералиева Ж.
Мамаджонова М.

Таҳририят манзили:

150100, Фарғона шаҳри, Мураббийлар кўчаси, 19-уй.
Тел.: (0373) 244-44-57. Мобил тел.: (+99891) 670-74-60
Сайт: www.fdu.uz

Босишга рухсат этилди: 02.07.2021

Қоғоз бичими: 60×84 1/8

Босма табағи:

Офсет босма: Офсет қоғози.

Адади: 50 нусха

Буюртма № 49

ФарДУ нусха кўпайтириш бўлимида чоп этилди.

Манзил: 150100, Фарғона ш., Мураббийлар кўчаси, 19-уй.

Фарғона,
2021.

М.Ражабова Навой ижодида қушлар ва ҳайвонлар образининг халқона асосларда ифодаланиши.....	74
Н.Шарафиддинова Поэтик синтаксис тушунчасининг белгиланиши ва предмети	79

ТИЛШУНОСЛИК

М.Абдупаттоев Полисиндетон – полифункционал синтактик фигура	87
М.Турдибеков Конибодом тумани макро ва микро топонимлари	92
М.Усманова “Кўҳна дунё” асарида қўлланган арабий ва форсий изофанинг лингвистик хусусиятлари	96
М.Иброхимова, Т.Алимов Лингвокреатив медиамайдонда тилнинг экологик софлигини сақлаш.....	99
М.Мадаминова Мурожаат шаклларининг прагматик хосланиши.....	104
С.Ҳабибуллаева Исажон Султон ҳикояларида маънодош ҳамда зид маъноли сўзларнинг лексик- семантик хусусияти.....	111
А.Уралов Асимметрик дуализм ва функционал транспозиция	115

ПЕДАГОГИКА, ПСИХОЛОГИЯ

Р.Сафарова Ўқувчиларда маданий дунёқарашни шакллантириш параметрлари.....	120
Э.Мирзажонова Шахснинг когнитив ривожланишининг эрта ташхиси ва ўзаро боғлиқлиги таълим самарадорлиги омили сифатида.....	124
М.Туйчиева Ўқув фани материалларини ўқишлилик даражасини оширадиган таълим методлари	129

ИЛМИЙ АХБОРОТ

М.Рахимов, Х.Муйдинов, А.Комилжонов Четдан келтирилган қорамол ғунажинларини парваришланишнинг жадал технологияси	134
Р.Пирназаров Қурбонқул қулама тўғонининг филтрацион кўрсаткичларини ҳисоблаш.....	137
Б.Холматова Учинчи ренессанс даврида маънавий ишлаб чиқаришни юксалтириш эҳтиёжи.....	140
Н.Собиров, С.Исроилова Хўжанддаги биринчи дунё урушининг Австрия-Венгрия кучларининг излари	144
М.Болтабоев Совет ҳокимияти ўрнатилган йилларда вақф мулкларининг аҳволи	147
Д.Абдуллаев Музей жамланмасида давлат мукофотларининг ўрни ва аҳамияти.....	150
Н.Исраилов “Шарқ кутубхонаси” асарида Амир Темур томонидан Хуросоннинг забт этилиши масаласини ўрганилиши.....	154
А.Мусаев XVII аср бошларида Фарғона водийсидаги сиёсий кураш	159
С.Ҳамрақулов “Фарғона” газетасида хорижий мамлакатлардаги воқеаларнинг ёритилиши	163

УДК: 811.512.113

АСИММЕТРИК ДУАЛИЗМ ВА ФУНКЦИОНАЛ ТРАНСПОЗИЦИЯ
АСИММЕТРИЧНЫЙ ДУАЛИЗМ И ФУНКЦИОНАЛЬНАЯ ТРАНСПОЗИЦИЯ
ASYMMETRIC DUALISM AND FUNCTIONAL TRANSPOSITION

Уралов Азамат Бегнарович¹

Уралов Азамат Бегнарович

– Сирдарё вилоят ХТХҚТМОҲМ Тилларни ўқитиш
методикаси кафедраси мудири, филология
фанлари бўйича фалсафа доктори.

Аннотация

Мақолада номутаносиблик термини ва унинг ишлатилиши, шакл ва мазмун муносабати доирасида юз бераётган ўзгаришлар, уларга турли хил олимларнинг муносабати, тилдаги мазмун ва ифода сатҳи ҳамда тилдаги ўзгаришлар ҳақида фикр билдирилган. Фикрлар турли мисоллар асосида илмий асосланган, жумладан, асимметрик дуализм, функционал транспозиция тушунчалари жиддий таҳлил қилинган. Кўчиш масаласи морфемалар таркибида ҳам мавжуд эканлиги, бугунги кунда ҳам амал қилаётганлиги кўрсатиб берилган. Функционал транспозиция эса бугунги кунда сўз туркумлари доирасида амал қилиб, морфемалар сатҳида, деярли, қўлланилмаслиги ҳақида хулосага келинган.

Аннотации

В статье обсуждается термин «асимметрия» и его использование, изменения во взаимоотношениях между формой и содержанием, отношение к ним различных ученых, уровень содержания и выражения в языке, а также изменения в языке. Эти идеи научно основаны на различных примерах, включая концепции асимметричного дуализма, функционального транспонирования и серьезного анализа. Было показано, что проблема миграции также существует в морфемах и актуальна сегодня. С другой стороны, функциональная перестановка теперь практикуется в семействах слов и почти никогда не используется на уровне морфем.

Annotation

The article discusses the term asymmetry and its use, changes in the relationship between form and content, the attitude of different scholars to them, the level of content and expression in language, and changes in language. The ideas are scientifically based on various examples, including the concepts of asymmetric dualism, functional transposition, and serious analysis. It has been shown that the problem of migration also exists in the structure of morphemes and is still applicable today. Functional transposition, on the other hand, is now practiced within word families and is almost never used at the level of morphemes.

Таянч сўз ва иборалар: номутаносиблик, шакл ва мазмунмуносабати, аффикслар, диахроник ҳамда синхрон жиҳатлар, тарихий-семасиологик, лингвосемиотик, функционал жиҳат, асимметрик дуализм, рамз(знак), сўз таркиби, морфем қурилиши, семантик ва асемантик бирликлар, нутқ, функционал транспозиция, конверсия.

Ключевые слова и выражения: асимметрия, соотношение формы и содержания, аффиксы, диахронические и синхронные аспекты, историко-семиотический, лингвосемиотический, функциональные аспекты, асимметричный дуализм, символ (знак), структура слова, структура морфемы, семантические асемантические единицы, речь, функциональная транспозиция, преобразование.

Key words and expressions: asymmetry, form and content relationship, affixes, diachronic and synchronous aspects, historical-semiotic, lingvosemiotic, functional aspects, asymmetric dualism, symbol, word structure, morpheme structure, semantic asemantic units, speech, functional transposition, conversion.

Номутаносиблик термини қадимги юнон тилида “нумувофиклик”(номутаносиблик), “тартиб қоидадан чиқиш” маъносини билдирувчи асимметрия (asymmetria) сўздан келиб чиққан. Бу термин табиий тилга нисбатан қўллана бошлагач, тилдаги энг бош хусусиятлардан бири – табиий тилнинг тузилиши ва амал қилишида умумий тартиб, мунтазамлик, бир хилликдан чекиниш, узоқлашиш маъноси билан ишлатила бошлаган. Умумий тилшуносликда бу термин икки ҳолат учун ишлатилади:

1) тил системасида марказ(ядро) ва периферия ўртасидаги муносабатни кўрсатиш, ўзаро алоқадорликларни аниқлаш учун;

2) тил белгиларида шакл ва мазмун томонлари ўртасидаги боғланишнинг узоқлашуви, умумий ҳолатдаги номутаносибликни кўрсатиш учун[5. 47].

Ўзбек тилшунослигида биринчи бўлиб гапда шакл ва мазмун муносабати, улар орасидаги асимметрик дуализм ҳодисасини кенг қамровда, чуқур илмий савияда белгилаб берган олим проф. Н.М. Маҳмудовдир. Олим

айни шу мавзуга бағишлаган докторлик диссертациясида гапнинг нафақат формал, балки мазмун томонига ҳам эътиборнинг кучайганлигини қайд этиб, синтактик назарияда синтактик бирликларнинг барча формал – семантик хусусиятларини ҳисобга олувчи янги йўналиш – семантик синтаксис пайдо бўлганлигини кўрсатади [17. 6].

Тил тизимида бундай бирликларнинг вужудга келиши, ўз-ўзидан кўп маънолилиқ, шаклдошлиқ, зид маънолилиқни келтириб чиқаради. Бундай тушунчаларнинг вужудга келиши тилнинг тарихий илдишлари билан боғланса-да, бугунги кун нуқтаи назаридан ҳам янги бирликларнинг пайдо бўлиши табиий ҳолат.

Тилдаги номутаносибликнинг одатда шакл ва мазмун(маъно) муносабати доирасида юз бериши тилшуносликда кўп тадқиқотчилар томонидан қайд этилган. Сўз ўзи ифодалаётган маънодан ташқари матн таркибида қўшимча маъноларни ҳам ифодалайди. Бу ҳолат аффикслар доирасида ҳам содир бўлиши мумкин. А.Ғуломовнинг ишларида *-лар* аффиксининг кўплик шаклидан ташқари матн таркибида ифодалайдиган ўнлаб маънолари кўрсатиб берилган. Сўз таркибида шакл ва мазмун номутаносиблиги масаласининг тилшуносликда диахроник, ҳамда синхрон жиҳатдан, А.Бердалиевнинг ишида алоҳида тадқиқ қилинганлиги диққатга сазовор. [2. 153]

Тил бирликлари, жумладан, морфемик бирликлар ҳам умумий моҳиятини сақлаган ҳолда тарихий-семасиологик, лингвосемиотик, функционал жиҳатдан ўзгариб, қайта тақсимланиш ва ўринлашиш жараёнларига ҳам тортилиб туради. Бундай тортилишлар, тилдаги қайта бўлинишлар тил тизимида турли ҳолатда ва даврда рўй беради. Морфем бирликларнинг бундай усулда кенгайиши ёки торайиши тилдаги янги морфемаларнинг ортиб боришига, лексемалар кўпайишига олиб келиши мумкин.

Таниқли тилшунос А.Мейе герман тиллари бўйича тадқиқотлари асосида шундай хулосага келган эди: “Навбатдаги асосий вазифа” эришилган ўзгаришларни эмас, балки шу ўзгаришларнинг “ҳаракатлантирувчи тамойиллари”, “тараққиётга йўналтирувчи тенденциялари”ни тадқиқ этишдан иборат бўлиши керак”. [11. 94] Юқоридаги фикрлардан шуни таъкидлаш жоизки, тил тизимидаги мавжуд бирликларнинг тараққиёт қонуниятларини белгилаб бориш илмий тадқиқотларнинг асосий мақсади бўлиши зарур.

Проф. В.А. Богородицкий тил мазмун сатҳи ҳақида шундай ёзган: “Генетик маънонинг реал маъноларга ўрин бериши тафаккур учун катта тежамкорлик (экономия) ва муҳим аҳамият касб этади. Агар сўзнинг реал маъноси ҳар сафар онгимизда генетик маъноларга тортилаверса, бу ҳолат тафаккур учун, шу билан бирга, маданият учун ҳам катта тўсиқ бўлган бўлар эди” [4,153]. Ҳар бир даврда, маълум синхрон босқич доирасида тил эгалари онгида нисбий шакл ва мазмуннинг мувофиқлиги тилнинг ўз вазифаларини бажариши учун қулайлик яратувчи омилдир.

Тилнинг ана шу хусусияти ҳақида машҳур француз тилшуноси Ш.Балли қуйидагича фикр билдирган эди: “Ўз доираларига ўралган белги (рамз, ишора)лар тилнинг кўплаб эҳтиёжларини қондиришда жуда чекланган манба сифатида хизмат қилган бўлар эди. Аммо категориялараро алмашинув туфайли фикр эркинликка эришади, ифода янада бой ва турли баҳо (оттенка)ларга эга бўлади” [2,143].

Проф И.Қ.Қўчқортоев С.О. Карцевскийнинг асимметрик дуализм ҳақидаги қарашларига муносабат билдирар экан, ушбу фикрларни алоҳида таъкидлаган эди: “Тилда рамз (знак)нинг ифодаловчиси (товуш материали) билан ифодаланувчиси (мазмуни, маъноси) бир-бири билан ўзига хос йўсинда боғланади. Ифодаловчи билан ифодаланувчи орасидаги боғланиш абсолют, турғун боғланиш эмас... Ифодаловчи билан ифодаланувчи орасидаги боғланиш маълум даражада эркинликка йўл қўядиган боғланишдир. Бошқача қилиб айтганда, рамз (знак)нинг ифодаловчиси ҳам, ифодаланувчиси ҳам тилда нисбий мустақилликка эга бўлади” [8,25-26].

Фикрдан кўриниб турибдики, тилда шакл ва мазмун ҳаминиша ўзаро боғлиқ бўлади. Аммо бу боғланиш мутлақ ёки абадий эмас, балки шакл ва мазмун турли ҳолатларда мустақилдир. Шакл ва мазмуннинг бундай хусусияти нутқ жараёнида янада кўпроқ ўз ифодасини топади. Тилдаги бундай ифодаланишлар унинг янги имкониятларини кўрсатади.

Проф И.Қ. Қўчқортоев таҳлил асосида шундай хулоса чиқаради: “Тилнинг икки томонли бирликлари, шу жумладан, сўзнинг ифода плани структураси (ном) қай даражада мустақил бўлса, унинг мазмуни плани структураси (маъно) ҳам шу даражада мустақилдир. Бундан тилнинг мазмун плани сегментлари (маънолар)ни ҳам тилнинг асосий бирликлари қаторига киритиш лозим деган

ТИЛШУНОСЛИК

принципиал хулоса келиб чиқади”[8. 38]. Тилдаги ўзгаришлар маълум макон (муҳит, жамият) шароити билан барча замонда ҳам ўзгариб боради: “тил вақт (замон)да мавжуд бўлади ва тараққий этади. Ифодаланувчи ва ифодаловчи алоқадорлиги вақтда амал қилади, ифодаланувчи ва ифодаловчи ривож (эволюцияси) вақтида юз беради. Шундай қилиб, вақт координатаси товуш ва маънонинг доимий компоненти ҳисоблади”[6. 416]. И.Қ. Қўчқортоевнинг фикрига кўшилган ҳолда айтиш мумкинки, шакл ва мазмун орасидаги муносабат ҳар доим бир хил бўлавермайди. Бир шаклнинг мазмун ифодалаш турлича бўлиши мумкин ёки аксинча бир мазмунни ифодалаш учун бир неча шакллардан фойдаланилади.

Тилшунослик тарихида икки томонлама бирликлар тартибда маънога аҳамият бермасликнинг оқибати қандай натижаларга олиб келганлиги ҳақида таниқли тилшунос В.М. Солнцев фикр юритиб, тилшуносликдаги бирор оқим, ҳатто энг радикал оқимлар ҳам маънога мурожаат қилмасдан иш кўролмаганлигини таъкидлайди ва “тил шунинг учун тилки, унинг бирликлари оддий товушлар бирикмаси (комбинацияси)дан иборат эмас, унинг бирликлари муайян мазмунга эга, ўз таркибига турли маъноларни қамрайди, у ёки бу ғояни ифодалаш қобилияти мавжуд. Семантика ёки маъно бу тилнинг қалбидир”[10. 4], –деб ёзади. Бусиз мумкин эмаслиги эса ҳаммага маълумдир. Акс ҳолда тилшунослик йўқ бўлади. Демак, ўз-ўзидан кўринадики, тилшунослик тарихида икки томонлама бирликлар таркибда маъно-мазмунга эътибор берилмасдан иш тутилган деган фикрнинг пайдо бўлиши, айтилишининг ўзи ортиқчадир.

Тил белги(ишора, рамз)ларининг мавқеи ва унга турлича ёндашувларни таққослаш асосида Е.С.Кубрякова “Белги таърифига қайта мурожаат” мақоласида фан тарихидаги анъаналарга чуқур ҳурмат ва эҳтиром билан ёндашиш зарурлигини кўрсатиб, ҳозирги даврда белгига когнитив, коммуникатив-функционал ҳамда герменевтик ёндашувларни узвий бирлаштирган ҳолда тадқиқот олиб бориш талаб этилади, деб кўрсатади [7. 18-19]. Ҳақиқатан ҳам, Р.Якобсон таълимотида белгилар нафақат лингвистика, балки логика, математика, риторика каби ижтимоий-гуманитар фанлар, ҳаётнинг бошқа турли соҳаларидаги фанлар – семиотикага бирлашувчи фанларда бош, фундаментал тушунчалардан бирига айланади[16. 62-86]. Тилдаги бирликларнинг ижтимоий ҳаётдаги

ўзгаришлари бир вақтнинг ўзида содир бўлавермайди. Ҳар бир шаклнинг англатаётган маъноси тил тизимида ўзига хос ўзгаришларни талаб қилади. Шундай экан шаклни мазмундан ажратиб кўрсатиш нотўғри, аксинча, уларни бир-бирига боғлаган ҳолда, қиёслаган ҳолда тадқиқ этиш ўз самарасини беради.

Профессор А.Ф.Фуломов ўзбек тили ва туркий тиллар мисолида тилнинг турли сатҳларида номутаносибликни ҳам тарихий-диахрон жиҳатдан, ҳам синхрон нуқтаи назардан тадқиқ этган олимлардан ҳисобланади.

Сўз таркибида – морфем қурилишида семантик ва асемантик бирликлар нисбатига, уларнинг юз бериши сабабларига махсус эътибор қаратиб, олим, жумладан, шундай ёзади: “Товуш ўзгаришларининг сабаблари ҳар хил (тежамкорлик тамойили, нутқ аъзоларининг ҳаракатига, айтишга қулайлик, фарқлаш талаби), шунингдек, ҳар бир бошқаликнинг ўз фонетик шароити бор: сўзнинг қайси ўринда келиши, қайси бўғинда ва бўғиннинг қаерида келиши, очик ёки ёпиқ бўғинда бўлиши, қайси товушлар билан қўшни бўлиши, бирикиши; қандай товушлар орасида келиши (масалан, интервокал позицияда); урғули ва урғусиз бўлиши. Товуш ўзгаришлари хилма-хил, бунда тарихий ўзгаришлар ва бу ҳозирги регуляр характердаги ўзгаришлар бошқа-бошқа хусусиятларга эга бўлади”[13. 117].

Демак, номутаносиблик ҳар бир тилда табиий равишда амал қиладиган, шакл ва мазмуннинг турлича боғланиши, узвий алоқадорлиги, шакл ва маънонинг ўзгариши, кўчиши, ўзаро ўтиши жараёнларини акс эттирадиган муҳим қонуниятнинг номидир. Синхрония диахрониянинг қонуний давомчиси, вориси бўлар экан, ҳар бир синхрон босқичдаги шаклдошлик, маънодошлик, кўп маънолилиқ, кўп вазифалилик ҳам ўз изоҳи, сабабларига эга. Ана шу жараён ва ҳодисалар туфайли тил жамият эҳтиёжларига ҳозиржавоб тизим қобилиятини тўлиқ намоён қилади.

Тил ўзининг ривожланишида ҳеч қачон тўхтамайди. У вақтлар ўтиши билан раванқ топиб, сайқалланиб, янгилашиб боради ва тилга янги бирликларнинг кириб келиши учун замин яратади. Баъзи ҳолларда эса тилдаги мавжуд бирликларнинг имконият даражаси кенгайиб янги бирликлар ҳосил қилишини таъминлайди. Тил бирликлари нутқ жараёнида қўлланиши натижасида турли ўзгаришларни вужудга келтиради, биринчиси иккинчисига, иккинчиси учинчисига ўхшашга ҳаракат қилади.

Вақтлар ўтиши билан бир бирлик иккинчи бирликнинг ўрнини эгаллайди, яъни кўчади. Бу жараён асосан тилдаги бирликларининг ривожланишида, мулоқотга киришишида кўринади. Транспозиция ҳодисасини тил танламайди, у нутқ эгалари томонидан ифодаланади, шу сабабли тил бирликлари тилга яхлит тизим сифатида эмас, мулоқотнинг талаби билан сўзловчиларнинг эҳтиёжлари асосида танлаб олинган бирликлар сифатида кириб келади. Шу туфайли, бир сўз туркуми доирасида тан олинган лексеманинг бошқа сўз туркуми доирасига ўтиши тилдаги синхрония ва диахрония қонуниятларининг маҳсулидир.

Функционал транспозиция терминини фанга олиб кирган олим Ш.Балли ҳисобланади [2. 130-131]. Транспозиция ва кўчиш масаласига оид фикрлар, илмий қарашлар кейинги давр тилшунослигида ҳамкенг ўрганилган. Жумладан, “конверсия” [13. 46-52] термини орқали фундаментал маълумотлар берилган. Бундан ташқари “Лингвистик қомусий луғат”да транспозиция термини қўлланади ва бу термин кенг маънода тил тизимидаги барча кўчиш жараёнларини, тор маънода сўз туркумлари доирасида кўчишни англатади дея таъкидланади [9. 519]. Ушбу луғатнинг бошқа бир ўрнида сўз туркумларининг кўчишини “қўшимчасиз сўз ясаш усули” деб таърифланиб, айти шу ҳодиса учун “конверсия” термини қўлланади ва у тор маънодаги транспозиция билан айти тушунчани англатиши ўртага чиқади [9. 235]. Шу билан бирга О.С. Ахманованинг “Лингвистик терминлар луғати”да сўз туркумларининг кўчишида “переход” (кўчиш), транспозиция, конверсия терминларининг қўлланилиши қайд этилган [1. 202, 320, 480]. Шунингдек, А.Ҳожиевнинг “Лингвистик терминларнинг изоҳли луғати”да транспозициянинг сўз туркуми даражасидаги тури учун кўчиш, конверсия, транспозиция терминлари қўлланилишини таъкидлайди ва транспозиция ҳодисасида “грамматик категорияларнинг ўзига хос бўлмаган функцияда қўлланилиши” [14. 94] эканлигини кўрсатади. Барча кўчиш жараёнлари тилшуносликда ўзига хос таърифлар билан эътироф этилган бўлса-да, улардаги маъно ва вазифа кўринишлар морфемика, лексикология, ҳатто синтаксис бўлимларида ҳам фундаментал тадқиқотлар олиб боришни тақозо этмоқда. Транспозиция кўпгина адабиётларда берилган бўлса-да, унинг номланиш ва “кўчиш” термини билан боғлиқ муаммоларни ҳал этиш Ж.Элтазаровнинг ишларида кузатилади [15].

Тилшуносликда конверсия – сўзлар учун умумий бўлган маънони ўзгариши орқали янги маъноли бирликни ҳосил қилади. Бу ҳолатда асосан сўз туркуми ўзгаради, яъни бир туркум доирасидан бошқа бир туркум доирасига ўтади. Кўпгина адабиётларда бунга “ясаилишнинг бир тури” деб ҳам қаралади. Шундан келиб чиқиб айтиш мумкинки, кўчишдаги моҳияти бирор сўз туркумининг бошқа бир сўз туркумига ўзгартириш характерида бўлиши бу ҳодисанинг ташқи ясаилиш кўринишида эканлигини англатади. Аммо бу жараён бир ҳодисанинг аввалги ҳолатини сақлаб қолиб, бошқа ҳолатга ўтиши – ўзгариши характерида эмас, балки аввалги кўринишини сақлаган ҳолда янги маънога ҳам эга бўлишидир. Демак, бу аслида кўчиш эмас, балки бошқа томондан қараганимизда, маънонинг кенгайиши ҳисобланади. *Янги* (сифат) – *янги* (равиш). *Касал*, *ярадор*, *қаҳрамон*, *мард* сингари сўзлар деярли от сўз туркумига ўтган. Сифатларнинг отга кўчиши сифатдан кейин келган отнинг тушиб қолиши билан ифодаланади ва отга тегишли барча категорияларни олиб турланади: *касалим*, *касалинг*, *касали*, *касалимиз*, *касалингиз*, *касаллари* (аслида, *касал одам*, сифат сўз туркуми) [13. 47].

Аслини олиб қараганда, “конверсия термини сўзнинг ўз шаклини ўзгартирмаган ҳолдаги категориал кўчиши маъносига хосланган” [13. 47]. Морфемалар таркибида ҳам транспозиция жараёни юз бериб туради. Бу ҳолат, асосан, сўзга бирор шакл қўшилишида яққол кўринади: *иссиқ* – сифат, *иссиқда* – от; *лекин* – боғловчи, *лекини* – от. *Темир*, *ғишт*, *пўлат* сингари сўзлар ҳам аслида сифат сўз туркуми доирасида бўлган: *темир эшик*, *пўлат болға*, *ғишт бино*. Бугунги кунда бу сўзларни от сўз туркуми сифатида қараймиз.

Транспозиция *қайнатма* – феъл, *қайнатма* – от сингари бўлиши ҳам мумкин. Бунда сўз шакл ва маъноси билан қўшилган ҳолда кўчади. Кўчишнинг ясама сўздан фарқи шундаки, ясама сўзда ясаилиш объекти аниқ сезилиб туради (*гулчи*, *гулдон*, *гулла*), транспозицияда эса ясаилиш объекти мавжуд бўлмайди (*аммо унинг лекини бор-да*). Улар грамматик алоқага киришганидан сўнггина кўчиш жараёнини сезиш мумкин: *яхшига ёндашсанг етарсан муродга*, *ёмонга ёндашсанг қаларсан уятга*. *Яхшига*, *ёмонга* сўзлари функционал транспозицияга яққол мисол бўла олади.

Функционал транспозиция морфемалар таркибида ҳам мавжуд бўлган ва бу жараён

ТИЛШУНОСЛИК

узоқ тарихий тараққиёт йўлини босиб ўтган. Келиб чиқиш нуқтаи назаридан *-чи* сифат ясовчи аффикси асосан от, ҳаракат номи ҳамда сифатлардан сифат ясаган: *ашулачи бола, балиқчи одам, сотувчи қиз, қизиқчи йигит* каби. Кейинчалик *-чи* морфемаси транспозицияга учраб от ясовчи морфемага кўчган. Бугунги кунда бу морфема шахс отлари ясаш учун хизмат қилади: *қизиқчи, ишчи, гулчи, ёзувчи* сингари. Баъзан *-чи* аффикси орқали ясалган от сўз туркумидаги ясалмаларнинг маънолари кенгайиб, сифат сўз туркумига тортилишини ҳам кузатиш мумкин: *ёзувчи(адиб) – ёзувчи йигит*.

-лик аффикси ҳам, аслида, сифат ясовчи аффикс бўлиб (*қишлик кийим, шаҳарлик қиз*), кейинчалик транспозиция ҳодисаси туфайли

мавҳум от ясовчи бирликка айланган: *яхшилик, дўстлик, зарғарлик, янгилик, тезлик* каби.

-ма ясовчи аффикси, асосан, сифат ясовчи аффикс бўлиб ("*-ма* асли сифат ясовчи: айланма йўл, ағдарма ёқа," [13,254] *йўқлама дафтар, қовурма овқат, терлама касал*), кейинчалик диахроник транспозиция ҳодисаси туфайли от сўз туркумини ҳам ясаган: *йўқлама, қовурма, терлама, димлама, қўлёзма* каби.

Хулоса қилиб айтганда, кўчиш масаласи морфемалар таркибида ҳам мавжуд бўлиб, бугунги кунда ҳам амал қилаётган ҳодиса ҳисобланади. Функционал транспозиция эса бугунги кунда сўз туркумлари доирасида амал қилиб, морфемалар сатҳида деярли қўлланилмайди.

Адабиётлар:

1. Ахманова О.С. Словарь лингвистических терминов. – М.: Сов. энциклопедия, 1966.
2. Балли Ш. Общая лингвистика и вопросы французского языка. – М., 1955.
3. Бердалиев А. Сўз таркиби ва шакл-маъно номутаносиблиги. – Бишкек, 2013.
4. Богородицкий В.А. Введение в татарское языкознание. – Казань, 1953.
5. Большой энциклопедический словарь. Языкознание. – М., 2000.
6. Караулов Ю.Н. Асимметрия языкового знака во времени / Современне проблемы литературоведения и языкознания. – М., 1974.
7. Кубрякова Е.С. Возвращаясь к определению знака (памяти Р.Якобсона) // Вопросы языкознания. 1993. № 4.
8. Кўчқортюев И.Қ. Сўз маъноси ва унинг валентлиги. – Т., 1977.
9. Лингвистический энциклопедический словарь. – М.: Советская энциклопедия, 1990.
10. Солнцев В.М. К вопросу о семантике или языковом значении. – Предисловие к сборнику «Проблемы семантики». – М., 1974.
11. Сравнительно-историческое изучение языков разных семей. – М., 1982.
12. Уралов А. Ўзбек тили морфемикасида мураккаб ва "кенгайган шакл"лар. Филол.фан. б.фалсафа.док. ...дисс. автореф. – Т., 2019.
13. Ўзбек тили грамматикаси. I жилд. – Т., 1975.
14. Ҳожиёв А. Лингвистик терминларнинг изоҳли лугати. – Т.:Ўқитувчи, 1985.
15. Элтазаров Ж. Ўзбек тилида сўз туркумларининг ўзаро алоқаси ва кўчиши. Фил.ф. номзоди. дисс. автореф. – Т., 2007.
16. Якобсон Р. Звук и значение // Якобсон Р. Избранные работы – М., 1985.
17. Махмудов Н.М. Семантико-синтаксическая асимметрия в простом предложении узбекского языка-автор реф.докт.дис. –Т., 1984.

(Тақризчи: А.Мамажонов – филология фанлари доктори, профессор).